

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

**АЛОҲИДА ЁРДАМГА МУҲТОЖ БОЛАЛАРНИ
ТАРБИЯЛАШДА ОИЛА ВА МАКТАБ
ҲАМКОРЛИГИ**

Илмий —методик тўплам

Тошкент 2013

Алоҳида ёрдамга мухтож болаларни тарбиялашда оила ва мактаб ҳамкорлиги. Илмий тўплам

Илмий тўплам 2012 йил “Мустаҳкам оила йили”га бағишланди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Фан ва Технологиялар қўмитасининг ИТД 1.-62-сонли Шартномаси доирасида нашрга тайёрланди.

Тўплам педагогика фанлари доктори, профессор Л.Р. Муминова ва педагогика фанлари номзоди, доцент Л.Ш. Нурмухамедоваларнинг умумий таҳрири остида нашрга тайёрланди.

Тақризчилар: педагогика фанлари доктори, профессор
Н.Х. Раҳманкулова
Педагогика фанлари номзоди, профессор
Р.Ш. Шомахмудова

Илмий тўплам алоҳида ёрдамга мухтож болаларни тарбиялашда оила ва мактаб ҳамкорлигига бағишланди. Мутахассисларнинг тўпламда жамланган мақолаларида ривожланишида муаммоси бўлган болаларни коррекциялаш, уларга махсус таълим-тарбия бериш, ижтимоий мослаштиришда ота-оналар ва мутахассислар ҳамкорлиги масалалари батавсил ёритилган.

Илмий тўплам махсус ва умумтаълим муассасларининг узлуксиз тизимида фаолият кўрсатувчи педагог, тарбиячи, дефектолог, логопедлар, педагогика олий ўқув юртлирининг профессор-ўқитувчилари, докторантлари, магистрлари ва бакалавр-талабалари, малака ошириш ва қайта гайёрлаш институтлари тингловчилари, коллеж ўқувчилари ва ота-оналар учун мўлжалланган.

Илмий тўплам Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети Ўқув-услубий кенгашининг 2012 йил 13 декабрь 5-сонли қарори билан тасдиқланган.

Шарқ мутафаккирларининг оилада фарзанд тарбиясига оид қарашлари

Нурмухамедова Л.Ш.

ТДПУ

Инсон боласи ўзи туғилиб ўсган оиласида илк бор тарбия олади, ўзаро муносабатларга киришади. Унинг тарбияси илк бор ўз оиласидаги оила аъзолари билан мулоқотда ва ўзаро муносабатлар орқали шаклланади. Боланинг келажақда шахе сифатида шаклланиб, комил инсон бўлиб етишувида, ҳаётда ўз ўрнини топиб кетишида, унинг қандай оилада тарбияланганлиги, оилада қандай иқлим ҳукм сурганлиги, ўз ота-онаси билан бўлган ўзаро муносабатларининг қандай тарзда кечганлиги муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам инсоният маданият тарихининг илк давлариданоқ оилада фарзанд тарбиясига алоҳида эътибор бериб келган. Бу мавзунинг ибтидоси узок ўтмишга бориб тақалишини биз деярли барча миллиялар халқ оғзаки ижодиёти намуналари мисолида кўришимиз мумкин.

Масалан, минг йиллик тарихга эга бўлган халқимизнинг буюк достони «Алпомиш», «Гўрўгли», шунингдек, Шарқ мамлакатлари халқлари учун катта маънавий манба бўлмиш ҳинд халқ достонлари «Махобҳорат», «Рамаяна» кабиларда мазкур масала ёрқин тасвирланган. Улар минг йиллар давомида халқ оғзаки ижодиёти намуналари тарзида авлоддан авлодга узатилиб, келажак авлодлар маънавий дунёси, руҳий олами, миллий кадриятларининг шаклланишида муносиб ўрин эгаллаб келмоқда.

Марказий Осиё тарихида ўз номларини колдирган мутафаккирларнинг илмий, фалсафий ва ахлокий қарашларида инсон энг буюк зот сифатида талкин қилинади. унинг бахтли фаровон ҳаёти. камолотга эришиши, оила ва оилавий муносабатлари, оилавий тарбия, оилавий тотувлик ғоялари кенг ўрин олган. Оилада бола тарбияси, ота-онанинг бола тарбияси учун масъулияти ва бурчи. фарзанднинг ота-онага ҳурмати, ота-она кадрини юқори тутиши каби масалаларга алоҳида эътибор берилган.

Масалан, «Авесто»да наслнинг ноқлиги, тозалигига алоҳида эътибор берилган, қариндош-уруғ, ака-укаларнинг қуда бўлиши қораланган. Бу маънода «Авесто»нинг мафкуравий манба сифатида қиммати махсус педагогика фани учун ҳам илмий асос бўла олади.

Халқ оғзаки ижодиғига оид деярли барча асарларда ҳам катталарни ҳурмат қилиш, ота-онани эъзозлаш, одоб билан уларнинг хизматини бажариш фарзанднинг вазифаси эканлиги уқтирилади. Масалан, ривоятларнинг бирида шундай ҳикоя қилинади: «Бир киши кечаси уйқудан уйғониб «сув бер» деб сўради. Ўғли сув келтиргунча, отаси яна ухлаб қолган эди. Угли «отам, балки

яна сув сўрар» деб. ухلامасдан отасининг уйғонишини кутиб, тонг отгунча ўтирди».

Шарк алломалари шахс, оила, оилада фарзанд тарбияси масалаларига алоҳида эътибор қаратишган. XIII асрда яшаб ижод этган Шайх Саъдий Шерозий ўзининг «Гулистон» ва «Бўстон» асарларида бола тарбияси, ота-она ва фарзанд муносабатлари масалаларига алоҳида аҳамият қаратган. «Бола мевадир, умрнинг лаззати» - дейди файласўф-шоир. Ҳар бир ота-она ўз фарзандига кичик ёшдан бошлаб, таълим-тарбия бериши ва илм-хунар ўргатиши зарур. «Кимда-ким ёшликдан тарбия олмаса, катта бўлгач, бахтли бўла олмайди. Хўл новдани истаганча букиш мумкин, қуруқ новдани эса фақат олов билан тўғрилаш мумкин» - деб таъкидлайди у. Бу билан Саъдий болалар кичик ёшидагина тарбия таъсирига берилувчан бўлишларини, шунинг учун уларни кичикликдан бошлаб тарбиялаш кераклигини, катта бўлгач тарбиялаш гоят қийин бўлишлигини қайд этади.

Алишер Навоийнинг (1441-1501) асарлари бу мавзуга оид фикрларга бойдир. Навоийнинг оилавий бахт, севги ва эр-хотин муносабати, ота-она, фарзанд тарбиясига оид фикрлари жуда катта педагогик аҳамиятга эга.

Ҳар бир оила фарзанд кўрмоғи ва уни тарбиялаб вояга етказмоғи керак. Фарзанд ота-онанинг ўринбосари. Фарзанд кўрмоқ, уни тарбиялаб ўстирмоқ ҳар бир ота ва онанинг бурчидир. Шунингдек, инсон учун келажак авлодни яратишдан, уни тарбиялаб комил инсон қилиб етиштиришдан хайрли ва лаззатли нарса йўқдир. Унингча, фарзанд «меҳри анвор» (ёруғ қуёш)дир. Шунинг учун фарзанд кўрган ҳар бир киши уни севиши керак. Навоий бола ривожланишида унга бериладиган тўғри тарбиянинг аҳамиятига алоҳида эътибор қаратади. Тарбия билан боланинг келажакда фойдали ва мукаммал киши бўлиб етишишига ишонади.

Шаркнинг буюк алломалари бўлмиш муҳаддислар ва фикҳ (ислом ҳуқуқшунослиги) илмининг чуқур билимдонлари Имом ал-Бухорий (810-870), Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий (824-892), Бурҳонуддин Марғиноний (1123-1197), ўрта аср Шарк илмининг турли соҳаларида оламшумул асарлар яратган энциклопедист-олимлар, Абу Наср Форобий (873-950), Абу Райҳон Беруний (973-1048), Абу Али ибн Сино (980-1037), маърифатпарвар шоирлар ва адиблар Маҳмуд Қошғарий (XI), Юсуф Хос Ҳожиб (XI), Алишер Навоий (1441-1501), Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1483-1530), Аҳмад Дониш (1827-1897), Маҳмудхўжа Бехбудий (1875-1919), Абдурауф Фитрат (1887-1938), Абдулла Авлоний (1878-1934) каби қўллаб мутафаккирларимиз бу борада ўзларининг тегишли фикр-мулоҳазаларини келажак авлодга мерос қилиб қолдиришган. Уларнинг бу мавзуга оид илмий мероси бугунги кунда ҳам катта тарбиявий ва мафкуравий аҳамиятга эга. Уларнинг асарларида оилада фарзанд тарбияси, ота-

она ва фарзанд ўртасидаги ҳурмат-этибор, оилада болаларнинг муносабатларида оид қарашлари таъсирчан образларда ифодаланган ҳамда улар миллий анъаналаримизга, халқ руҳиятига чуқур сингиб кетган.

Шарқ мутафаккирлари таълимотларини ғоявий жиҳатдан бирлаштирган ягона асос шуки, ота-она ҳамда яқин кишиларнинг етакчи роли ва тарбиявий таълимотларига алоҳида эътибор берганлар. Инсонларнинг ўзаро муносабатларида намоён бўладиган юксак фазилатлар (ҳалоллик, поклик, мардлик, меҳрибонлик, садоқат, бағрикенглик ва ҳ.к.) энг аввало, оилада шаклланади, ривожланади ва авлоддан-авлодга узатилади. Умуман, оилада фарзанд тарбиясининг жамият тараққиётига ижобий таъсири масаласига оид қимматли фикрлар ҳамда бу борадаги амалий кўрсатмалар Шарқ мутафаккирларининг фалсафий-этик, ижтимоий-педагогик қарашларида ўзининг муносиб аксини топган.

Абу Наср Форобий (870-950) ва Абу Райҳон Беруний (862-973)ларнинг инсон, унинг жамият ва оиладаги ўрни ҳамда вазифалари, оилавий муносабатлар юзасидан қарашлари ўз даври ижтимоий фикри даражасидан анча илгарилаб кетди.

Форобийнинг инсон камолоти, бахти, таълим ва тарбияси, ахлоқи ва динга муносабати ҳақидаги қарашлари умумфалсафий ғояларга, кўпроқ мантиққа асосланган бўлса, Берунийнинг «Минералогия» асарида инсон шахси, унинг камолоти, ақл-идроқи жамият ва унинг кичик бир ҳўжайраси бўлган оилага боғлиқлиги ғоясига асосланади. Форобий ақлли инсон ҳақида гапириб бундай ёзади: “Ақлли деб шундай кишиларга айтиладики, улар фазилатли, ўткир мулоҳазали, фойдали ишларга берилган, зарур нарсаларни кашф ва ихтиро қилишда зўр истеъдодга эга, ёмон ишлардан ўзини четга олиб юрадилар. Бундай кишиларни оқил дейдилар. Ёмон ишларни ўйлаб топиш учун зеҳн-идрокка эга бўлганларни ақлли деб бўлмайди, уларни айёр, алдоқчи деган номлар билан атамоқ лозим”.

Беруний эса ўзининг «Минералогия» асарида бўлажак ота-онанинг фарзанд олдидаги масъулияти ҳақида гапирар экан, хусусан онанинг ҳомиладорлик пайтидан ҳомиласига эътиборни кучайтириш, унга юмшоқ муносабатда бўлиш ва шу пайтдан эътиборан уни тарбиялаб боришни уқтириб ўтади. Болани тарбиялашда ота-она бир хил талаб ва мақсад қўймоғи лозимлигини таъкидлайди. Беруний бола табиат инъом этадиган чиройга эга бўлиши ва соғлом, бақувват туғилиши учун, она қорнидаёқ замин яратилиши керак деб ҳисоблайди. Буюк олим бола кнёфаси, яъни унинг ташқи тузилиши гўзал бўлиши учун онани эъозлаб, ранжитмай парвариш қилиш зарурлиги, боланинг ички маънавий гўзаллигига эса у туғилгандан сўнг тарбия оркали эришилиши ҳамда унда ҳуқ-одобни тарбиялаш учун зарур муҳит ва тегишли